

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.14/30.12.2019.I.84.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАШИДОВ МЭЛС КАРИМОВИЧ

**МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИНИ ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР
ФАОЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ**

08.00.12 – Минтақавий иқтисодиёт

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
oneconomical sciences**

Рашидов Мэлс Каримович

Минтақа иқтисодиётини эркин иқтисодий зоналар фаоллигини таъминлаш
асосида ривожлантириш.....3

Рашидов Мэлс Каримович

Развитие экономики региона на основе устойчивого функционирования
свободных экономических зон.....25

Rashidov Mels Karimovich

Development of the regional economy based on the sustainable functioning of free
economic zones.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.14/30.12.2019.I.84.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАШИДОВ МЭЛС КАРИМОВИЧ

**МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИНИ ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР
ФАОЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ**

08.00.12 – Минтақавий иқтисодиёт

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Ўқт 1171 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.ifmr.uz) ҳамда «Ziyou.net» Ахборот-таълим порталида (www.ziyou.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Низамов Аслитдин Бадретдинович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий ошпонентлар: **Рўзиметов Бахтиёр**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Сайдахмедов Хикматилла Маҳкамович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Бухоро давлат университети**

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти хузуридаги иқтисодиёт фанлари бўйича илмий даража берувчи DSc.14/30.12.2019.I.84.01. рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «22» январ соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил:100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Тел.:(99871) 244-01-17, e-mail: info@ifmr.uz, exat@ifmr.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (5/12 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Тел.:(99871) 244-01-17, e-mail: info@ifmr.uz, exat@ifmr.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил 22 январ кунин тарқатилди.
(2021 йил «22» январ рақамли респстр баённомаси)



Т.М. Ахмедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Д.М. ҚурбANOVA
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Р.Р. Ҳасанов
Илмий даражалар берувчи кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш, уларнинг самарадорлигини ошириш, инвестицияларни кенг жалб қилиш устувор йўналишга айланмоқда. Халқаро ташкилотлар маълумотларига кўра “дунёда 3,5 мингдан зиёд эркин иқтисодий зоналар бўлиб, улар 140 мамлакатда жойлашган. Бутун дунёдаги эркин иқтисодий зоналарда 70 миллионга яқин инсонлар меҳнат қилади”¹. Ҳозирда ва келажакда эркин иқтисодий зоналар экспорт салоҳиятини ошириш, янги инновацион технологияларни қўллаш, илғор менежмент тизимига ўтишнинг ўзига хос шакли бўлиб қолади.

Жаҳонда эркин иқтисодий зоналар минтақа иқтисодиётининг барқарор ривожланиш омилига айлангани сабабли уларни оптимал жойлаштириш ва самарали бошқаришга йўналтирилган илмий изланишларга муҳим эътибор қаратилмоқда. Бу борада эркин иқтисодий зоналарни самарали менежментни ташкил қилиш, ҳудудий салоҳиятдан унумли фойдаланишда инвестицияларни мақсадли жалб этиш, экспорт салоҳиятини ошириш, келажакда минтақа иқтисодиётига таъсирини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш бўйича тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида минтақаларни ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш, жумладан, саноат тармоқларини ривожлантириш ва маҳаллий минерал-хомашё ресурслар негизида юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга алоҳида эътибор берилмоқда. “Биз иқтисодиётимизга сармоя киритишга интиладиган инвесторлар учун ҳудудлар ва тармоқлар бўйича инвестиция лойиҳаларини пухта шакллантира олсак, бу масалада ижобий натижага эришиш мумкин. Бу борада эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида бизнес субъектларини жойлаштириш, уларга имтиёз ва преференциялар беришни ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш лозим”². Бундан келиб чиққан ҳолда, эркин иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини ошириш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, янги иш ўринлари яратишга йўналтирилган тадқиқотларни кенг йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сон “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 21 декабрдаги ПФ-5600-сон “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон “Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”, 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-

¹ <http://www.uzdaily.uz/uz/post/1637>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисига мурожаатномаси. – Тошкент, 2018 йил 28 декабрь.

сон “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакат ва минтақа иқтисодиётида эркин иқтисодий зоналарнинг умумназарий жиҳатлари хорижий олимлар И.Л.Ким, Ж.А.Леддин, М.В.Брендан, Сюй Цзоше, Цай Женьцюнь, А.Аггарвал³ ва бошқаларнинг ишларида ўз аксини топган.

Шунингдек, МДҲ мамлакатлари олимларидан К.Бабагулов, А.Есентугелов, Е.Авдокушин, Т.П.Данько, З.М.Окрут, М.С.Гуцериев, Ю.Комлев⁴ сингари олимлар томонидан эркин иқтисодий зоналарнинг ҳудудий муаммолари, ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсири ва бошқарув жараёнларига алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимиз олимларидан М.А.Абдусалямов, Т.М.Аҳмедов, А.М.Содиқов, О.О.Олимжонов, Ф.Т.Эгамбердиев, А.В.Маматқулов, Ш.Ҳ.Назаров, А.Б.Низамов, Ҳ.М.Сайдахмедов, А.Р.Холиқулов, Ҳ.Р.Ҳамроев⁵

³ Ким И.Л. Государственное управление специальных экономических зон Кызыл-урда. - 2008. 161с.; Leddin Anthony J., Walsh Brendan M. Macroeconomics of Ireland. IV – ed. Dublin: Gill & Macmillan Ltd.-2007.; Сюй Цзоше, Цай Женьцюнь. Специальные экономические зоны Китая. Новосибирск, 1993.; Аггарвал А. “Экспорт жарёнида зоналарнинг ишлаши: қиёсий таҳлил Шри-ланка ва Бангладеш” Халқаро иқтисодий муносабатлар(ICRIER). – Дехли, 2015.

⁴ Бабагулов К., Есентугелов А. Концепция создания и функционирования свободных экономических зон в Республике Казахстан. – Алматы, 2012. С.54-59.; Авдокушин Е.Ф. Свободные (специальные) экономические зоны. – М., 2013.; Данько Т.П., Окрут З.М. Свободные экономические зоны России. – М.: Изд. Росс.экон.академик.им. В.Плеханова, 1995.;Гуцериев М.С. Свободные экономические зоны (опыт, проблемы, перспективы), (монография). – М.: НПО Школа-Издательство «Открытый мир», 1997.; Комлев Ю. Свободные экономические зоны: зарубежный опыт. – Алма-Ата, 2006.

⁵Абдусалямов М. О целях и методологических основах региональной политики. Научно-исследовательский центр “Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана” при ТГЭУ. – Ташкент, 2015 г.; Ахмедов Т.М. и др. Региональная экономика: Учебное пособие. – М.: Изд. РЭА им.Г.В.Плеханова. 2006. 231 с.; Садыков А.М. Новая стратегия развития Узбекистана: формирование, приоритеты, реализация. Монография. – Ташкент, 2019.-536 с.; Олимжонов О.О. Вопросы повышения конкурентоспособности сельских районов. Агрэкономика, 2017, №1. – С. 7-12; Эгамбердиев Ф.Т. ва бошқалар. Мамлакатимиз иқтисодиётида инвестицияларнинг тутган ўрни. – Т.: Экономика и финансы. 2017. 68-74 б.; Mamatkulov A.V. The role of free economic zones in attracting foreign direct investment through small business and private entrepreneurship in Uzbekistan. “Economic development and liberalization issues of implementation the five priority areas of Uzbekistan’s development strategy”. – Tashkent, 2018.; Назаров Ш.Х. Ўзбекистон минтақалари рақобатбардошлигини оширишнинг методологик асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т., 2016.-93 б.; Низамов А.Б. Совершенствование системы управления региональной экономикой в условиях устойчивого экономического роста. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Ташкент, 2018 г. – С.45; Сайдахмедов Х.М. Развитие регионов Узбекистана. Информационно-аналитический бюллетень “Экономика Узбекистана” за 2017 год. ЦЭИ, 2018 г.; Холиқулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослар ва жаҳон тажрибаси. – Т., 2002. 186 б.; Ҳамроев Ҳ.Р. Зонал сиёсат. – Тошкент: Фан, 2008.

ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида минтақавий иқтисодиётда эркин иқтисодий зоналарнинг турли йўналишдаги муаммолари ёритилган. Аммо эркин иқтисодий зоналарнинг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга таъсири, жойлаштириш омиллари ва самарадорлик мезонларини ишлаб чиқиш муаммолари етарлича ўрганилмаган.

Ҳозирги кунда мамлакатда яратилган эркин иқтисодий зоналар фаоллигини ошириш, уларнинг минтақа иқтисодиётини ривожлантиришга таъсирини баҳолаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш долзарб бўлиб қолмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А-2-40-сон “Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланишининг институционал механизмларини такомиллаштириш” (2016-2018 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Минтақа иқтисодиётини эркин иқтисодий зоналар фаоллиги асосида ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

минтақа иқтисодиётини ривожлантириш омили сифатида эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишнинг илмий асосларини ўрганиш;

эркин иқтисодий зоналарни жойлаштириш, фаолиятини такомиллаштириш ва улар ёрдамида минтақаларни ривожлантиришга оид хорижий тажрибаларни ўрганиш;

Ўзбекистонда минтақаларида эркин иқтисодий зоналар ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш ва мавжуд муаммоларни аниқлаш;

эркин иқтисодий зона фаоллигини ошириш асосида минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш моделини ишлаб чиқиш;

эркин иқтисодий зоналарни минтақа иқтисодиётини келажакда ривожлантиришнинг муҳим омили эканлиги бўйича амалий таклиф ва тавсиялар тайёрлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мамлакатда биринчилар қаторида ташкил этилган “Навоий”, “Ангрен” ва “Жиззах” эркин иқтисодий зоналари олинган.

Тадқиқотнинг предмети минтақа иқтисодиётини ривожлантиришда эркин иқтисодий зоналар фаоллигини ошириш жараёни билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида тизимли ва қиёсий таҳлил, иқтисодий-статистик таҳлил ва умумлаштириш, корреляцион ва регрессион таҳлил, статистик таққослаш ва гуруҳлаштириш, иқтисодий моделлаштириш, прогнозлаш усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

эркин иқтисодий зоналарнинг минтақаларни ривожлантиришга бевосита таъсирини ҳисобга олган ҳолда ҳудудларда инновацион технологияларга асосланган саноат кооперацияси, машинасозлик, электротехника ва кимё тармоқларини устувор ривожлантириш асосланган;

Навоий, Тошкент ва Жиззах минтақаларидаги эркин иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини ишлаб чиқариш ва инфратузилма объектларини ўзаро муносиб ривожлантириш ҳамда инвестицион фаолликни таъминлаш асосида ошириш таклиф этилган;

эркин иқтисодий зоналарнинг бошқарув тизими самарадорлигини ошириш мақсадида вазирликлар, зона дирекцияси ва минтақаларнинг ваколатларини мувофиқлаштириш учун сув, ер ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланишда маҳаллий ҳокимиятнинг масъулиятини ошириш ва вазифаларини кенгайтириш асосланган;

ижтимоий-иқтисодий ўсиш нуқтаси сифатида эркин иқтисодий зоналар салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида Навоий, Тошкент ва Жиззах минтақаларини 2030 йилгача мўлжалланган прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

эркин иқтисодий зоналарнинг фаолиятини баҳолаш ва кўп омилли индекс таҳлил қилиш бўйича услуб такомиллаштирилган;

эркин иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини ҳудуд иқтисодиётига таъсири орқали баҳолаш ва замонавий минтақавий менежмент модели таклиф қилинган;

минтақалар иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда эркин иқтисодий зоналар фаоллигини оширишга қаратилган амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Диссертацияда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, эконометрик ва математик усулларнинг асосланганлиги, статистик маълумотларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига ҳамда бошқа расман эълон қилинган амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги ва тегишли хулоса, таклиф ва тавсияларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти изланишлар давомида олинган ва илгари сурилган назарий ёндашувлар, илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялардан эркин иқтисодий зоналар фаолиятини самарали бошқаришда, уларнинг фаоллигини оширишга қаратилган инновацион лойиҳаларни, минтақаларни мақсадли ривожлантириш дастурлари ва устувор йўналишларини ишлаб чиқишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тавсиялардан эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш, бошқариш, минтақа иқтисодини ривожлантиришга қаратилган стратегиялар ва давлат мақсадли дастурларини ишлаб чиқишда, мавжуд табиий-иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш йўллари аниқлашда, тизимли мониторингни амалга

оширишда, янги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда, маҳаллий ҳокимликлар ва эркин иқтисодий зоналарнинг минтақа иқтисодий ўсишини таъминлашдаги масъулияти ва вазифаларини аниқлаштиришда ҳамда олий таълим муассасаларида “Минтақалар иқтисодиёти” ва “Минтақавий менежмент” сингари махсус фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Эркин иқтисодий зоналар фаоллиги асосида минтақа иқтисодиётини ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

минтақа иқтисодиётини ривожлантириш нуқтаи назаридан эркин иқтисодий зоналарни жойлаштиришда ва фаолиятини амалга оширишда инновацион ёндашувнинг зарурияти тўғрисидаги таклифлар Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ва Навоий вилояти ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқилган “Навоий вилоятини 2030 йилгача ривожлантириш дастурида” фойдаланилган. (Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 6 ноябрдаги 4-8/4-20-2674-сон маълумотномаси, Навоий вилояти ҳокимлигининг 2019 йил 10 сентябрдаги 04-04/1964-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар мамлакатимиздаги эркин иқтисодий зоналарни оптимал жойлаштириш учун инновацион ёндашувга юқори эътибор қаратиш лозимлигини англашга имкон беради;

эркин иқтисодий зоналар фаолиятининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи иқтисодий кўрсаткичларнинг таъсир даражаси кўп омилли индекс усулидан фойдаланиш асосида баҳолаш натижалари Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Навоий эркин иқтисодий зона дирекциясида мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш бўйича “Навоий эркин иқтисодий зонаси фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлар”ни тайёрлашда фойдаланилган (Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 6 ноябрдаги 4-8/4-20-2674-сон маълумотномаси; “Навоий” эркин иқтисодий зонаси ДУКнинг 2019 йил 14 февралдаги 01/71-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларни амалиётда қўллаш ҳудуднинг бой табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, экспорт салоҳиятини ошириш ва янги иш жойларини ташкил қилишда асос бўлиб хизмат қилган;

хорижий тажрибаларни ўрганиш натижасида уч даражадаги бошқарув фаолияти самарадорлигини мувофиқлаштириш орқали ЭИЗлар фаоллигини ошириш ва натижада ҳудуднинг иқтисодий ривожланишини таъминловчи модел Навоий вилояти ҳокимлиги, Навоий эркин иқтисодий зона дирекциясини бошқарув тизимини такомиллаштиришда фойдаланилган. (Навоий вилояти ҳокимлигининг 2019 йил 10 сентябрдаги 04-04/1964-сон маълумотномаси ва “Навоий” эркин иқтисодий зонаси ДУКнинг 2019 йил 14 февралдаги 01/71-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф эркин иқтисодий зоналарда бошқарувни макро, микро ва минтақа даражасида мақсадларни мувофиқлаштирган ҳолда иш олиб бориш имконини яратади;

минтақа иқтисодиётини эркин иқтисодий зоналар орқали ривожлантириш бўйича илмий таклифлар ва минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепцияси доирасида 2020-2030 йилларга

мўлжалланган кўрсаткичлар Навоий вилояти ҳокимиятида ўрта ва узоқ муддатли прогнозни шакллантиришда фойдаланилган (Навоий вилояти ҳокимлигининг 2019 йил 10 сентябрдаги 04-04/1964-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар асосида Навоий вилоятини 2030 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясида минтақада барқарор иқтисодий ўсишни ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган дастурларни ишлаб чиқишда кенг фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 40 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 7 та халқаро ва 33 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 5 таси нуфузли хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Иш 153 бет матндан иборат бўлиб, 17 та жадвал, 14 та расмни ўз ичига олади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ҳамда предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, тадқиқотдан олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек, илмий тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, мавзу доирасида чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Минтақа иқтисодиётини ривожлантиришда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида, эркин иқтисодий зоналарнинг назарий-илмий асослари, уларни минтақаларда ташкил этиш методологиялари ва бу борадаги жаҳон тажрибаси ўрганилган. Тадқиқотда эркин иқтисодий зоналар тушунчасининг моҳияти ва аҳамиятига бағишланган кўплаб олимларнинг илмий қарашлари таҳлил қилинган ҳолда умумлаштирилган. Таърифларни таққослашда, бир томондан, уларнинг бир-бирини инкор этмаслигига, бошқа томондан эса, берилаётган асосий урғу бир-биридан фарқ қилишига эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Қолаверса, улар қуйидаги таркибий камчиликларга эга эканлигини таъкидлаш ўринлидир.

Биринчидан, келтирилган таърифлар ўрганилаётган категориянинг расмий моҳиятига етарлича эътибор берилмай, кўриб чиқилаётган механизмнинг мақсадига мужассамланган. Иккинчидан, ажратиладиган ҳудудлар нима билан чекланганлиги аниқлаштирилмаган. Учинчидан, нима учун фақат иқтисодий имтиёзли шароитлар ҳақида гап бориши тушунарли

эмас. Иқтисодий табиатга эга ҳуқуқий ва маъмурий имтиёзлар ҳам яратилиши мумкинлиги эътибордан четда қолган. Тўртинчидан, ЭИЗлар жойлашган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник ривожланишини таъминлаш уларнинг мақсади сифатида эътироф этилмаган. Ниҳоят, бешинчидан, ЭИЗларнинг барча хусусиятлари бир таърифда мужассамланмаганлиги туфайли бундай таъриф кўп қиррали ва ҳаддан ташқари ҳажмли бўлиб қолган.

Бугунги кунда саноат кооперацияси, машинасозлик, электротехника ва кимё тармоқларини устувор ривожлантириш муҳимдир. Бунинг учун эса, минтақаларда жойлашган эркин иқтисодий зоналарнинг бевосита таъсирини инновацион технологияларга асосланган ҳолда амалга ошириш лозим. Эркин иқтисодий зоналарда ушбу тармоқларни ривожланишига устуворлик қаратиш лозимдир. Келажакда ушбу тармоқларнинг ривожланиши натижасида юқори қўшимча қийматга эришиш мумкин. Бундан ташқари, замонавий инновацион технологияларнинг мамлакатимизга кириб келиши учун ҳам ушбу тармоқлар фаол бўлиши талаб этилади. Бунинг учун эса, эркин иқтисодий зоналарнинг фаолиятини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Мулоҳазалардан келиб чиқиб, бугунги кунда эркин иқтисодий зоналар категориясининг моҳиятида минтақаларни барқарор ривожлантиришни таъминлашни инновацион ҳудудни шакллантиришнинг муҳим омили сифатида ўрганиш кераклиги таклиф этилган. Ушбу ёндашув доирасида эркин иқтисодий зоналарни бевосита минтақа иқтисодиёти билан боғлиқ ҳолда предмети, бошқарув даражаси ва баҳолаш усулини батафсил тавсифлаш ва асослаш натижасида аниқ ифодалаш мумкин (1-расм).



1-расм. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишга асосланган ҳудудий инновацион ёндашув⁶

Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этишда маълум босқичлар муҳим ўрин эгаллайди. Улар зонанинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш,

⁶ Манба: муаллиф томонидан тайёрланган.

ҳудудларда ташкил қилиш шарт-шароитларини ўрганиш, лойиҳалаштириш, техник иқтисодий асослаш ва экспертизадан ўтказиш. Ушбу босқичларни самарали ташкил этиш минтақада эркин иқтисодий зоналар турини тўғри танлаш ва жойлаштиришни тақозо этади. Тадқиқотда минтақаларни ривожлантириш нуқтаи назаридан ЭИЗлар фаолиятини баҳолаш методологияси ўрганилди. Минтақавий иқтисодий кўрсаткичларга таъсир қилиш орқали ЭИЗ фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича таклиф этилган методологияларни таҳлил қилиш, умумлаштириш ва такомиллаштириш натижасида учта бошқарув (мамлакат, минтақа ва ЭИЗ дирекцияси) даражасида фаолият самарадорлиги кўрсаткичларини ўзаро боғлиқликда баҳолаш модели ишлаб чиқилди(2- расм).



2 - расм. ЭИЗ фаолиятининг мамлакат ва ҳудудни ривожлантиришга таъсирини баҳолаш моделининг тасвири⁷

Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини баҳолашнинг концептуал тасвирини шакллантиришдан мақсад уларда фаолият юритувчи корхоналар кўрсаткичларини акс эттириш ва шу орқали мамлакат, минтақа ва эркин иқтисодий зоналардаги нуфузини баҳолаб боришдан иборат. Бу жараёнда эркин иқтисодий зоналардаги ҳар бир корхона нуфузини ошириш маҳаллий инвесторларни жалб этишга хизмат қилади. Бундан ташқари, эркин иқтисодий зоналарда очик ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга олиб келади. Эркин иқтисодий зоналарни яратиш ва фаолиятини ташкил этиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ҳамда ижобий томонларини мамлакат шароитида қўллашга мослаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун, бир қатор мамлакатларнинг минтақалар иқтисодиётини ривожлантириш жиҳатидан эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш хусусиятлари таҳлил қилинди (1-жадвал).

⁷ Манба: муаллиф томонидан тайёрланган.

1-жадвал

Минтақалар иқтисодиётини ривожлантириш жиҳатидан эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишнинг халқаро тажрибаси⁸

Таҳлил давлат номи	Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш натижасида ҳал этилувчи муаммо	Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш хусусияти	Қутилган натижа
Корея	Минтақалар иқтисодиётида фақат экспорт учун ишлайдиган корхоналар сонини кўпайтириш	Фақат юқори технологик тармоқларни ривожлантиришни рағбатлантирувчи солиқ солиш тизими киритилган	Зона жойлашган минтақага замонавий менежмент ва бизнес ахлоқи кириб келиши
Хитой	Минтақаларнинг ички салоҳиятига таяниб, асосий эътиборни ташқи бозорга йўналтирилган иқтисодиётни ташкил этиш, саноат, савдо ва қишлоқ хўжалиги интеграцияси	ЭИЗлардаги маҳаллий ҳукуматлар томонидан қўшма корхоналар учун маҳаллий бюджетга алоқадор бўлган солиқлар бўйича қўшимча имтиёзлар берилиши	Иқтисодий қолоқ туманларни ривожлантиришга эришилди
Россия	Давлат аҳамиятидаги муҳим вазифаларни ҳал этувчи илмий-техник тадқиқотларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни инновацион ривожлантириш	Аҳоли яшайдиган жой сифатида минтақалардаги йирик илмий тадқиқот ва илмий ишлаб чиқариш комплекслари атрофида илмий-техник йўналишнинг давлат аҳамиятидаги муҳим вазифаларни ҳал қилувчи. илм шаҳарчалари ташкил этилиши	Минтақаларда фанни илгари суришга қаратилган илм шаҳарчалари ташкил қилинди
Польша	Минтақаларда юқори брендга эга ишлаб чиқаришларни жойлаштириш асосида саноатни ривожлантириш	Хорижга фойдани чекланмаган миқдорда кўчириш имконияти яратилиши ва қатор солиқ имтиёзлари, божсиз тартибнинг жорий қилиниши	Минтақаларга дунёнинг энг йирик фирмалари жалб этилди
АҚШ	Иқтисодий ривожланиш келажаги паст ва ишсизлик даражаси юқори бўлган ҳудудларнинг иқтисодий фаоллиги ва бандлик даражасини ошириш	Уч турдаги ЭИЗлар: тадбиркорлик, ташқи савдо ва техник-тадқиқот зоналари ташкил этилиши	Минтақаларда экспорт ҳажми, бандлик даражаси ошишига эришилди
Германия	Минтақалар ишлаб чиқариш салоҳиятидан интеграция асосида кенг фойдаланиш	Кластер тизими ва оилавий корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва уларга узоқ муддатли кредит бериш	Эркин иқтисодий зона жойлашган минтақада йирик инновацион ишлаб чиқариш комплекслари пайдо бўлди
Япония	Ҳудудлар ва алоҳида тармоқлар манфаатларини мувофиқлаштириш, табиий ресурсларнинг ҳудудда камлиги, ички ресурслардан фойдаланиш, замонавий технологияни жалб этиш асосида маҳаллий ҳаётни фаоллаштириш	Миллий миқёсда минтақаларни ривожлантиришни режалаштиришнинг ўзига хос усули – алоҳида вазирликларнинг қўшма тадбиркорликнинг турли усулларига эга зоналарни ривожлантириш, импортга қўмақлашувчи эркин иқтисодий зоналар, ресурстежовчи эркин иқтисодий зоналар	Минтақалардаги эркин иқтисодий зоналар хорижга инновацион технологияларни экспорт қилиш имконини берди

Таҳлил натижаларига кўра, Япониядан минтақаларни ривожлантиришни режалаштиришнинг ўзига хос усули, яъни технополислар яратиш, Германиядан кластер тизими асосида саноат, савдо ва қишлоқ хўжалиги

⁸ Муаллиф томонидан тайёрланди.

интеграциясини таъминловчи эркин иқтисодий зоналар яратиш, АҚШдан иқтисодий фаолликни оширишни таъминловчи тадбиркорлик зоналари ҳамда АҚШ ва Россия Федерациясидан илм шаҳарчаси (наукоград) бунёд этиш жараёнлари сингари ижобий тажрибалар мавжуд. Жаҳон ЭИЗларида амалда қўлланилаётган инвестицияларни самарали жалб этишга кўмаклашувчи солиқ, божхона ва бошқа имтиёзлар тизимини, инновацион менежмент ва бизнес ахлоқини шакллантириш бўйича таклифлардан Ўзбекистон минтақалари салоҳияти ва шароитларидан келиб чиқиб фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди.

Диссертациянинг **“Минтақа иқтисодиётини ривожлантиришда эркин иқтисодий зоналарнинг фаолияти таҳлили”** деб, номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда дастлабки ташкил этилган 3 та эркин иқтисодий зонанинг ўз минтақаларидаги иқтисодий жараёнларда иштироки баҳоланган ва уларнинг иқтисодий кўрсаткичлари асосида кўп омилли индекс таҳлил қилиш усули орқали эркин иқтисодий зоналарнинг самарадорлик кўрсаткичлари аниқланди ва такомиллаштирилди.

2-жадвал

“Навоий”, “Ангрен” ва “Жиззах” эркин иқтисодий зоналарининг ҳудудлар иқтисодиётида тутган ўрни⁹

№	Кўрсаткичлар	Эркин зона номи	Йиллар						
			2013й.	2014й.	2015й.	2016й.	2017 й.	2018й.	2019 й.
1.	Вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотидаги улуши, % да	Навоий	6,1	7,7	7,4	7,0	6,2	5,2	3,6
		Ангрен	0,6	0,9	0,9	1,7	1,8	1,6	1,3
		Жиззах	1,7	1,4	1,4	1,4	1,3	1,2	1,3
2.	Вилоятда sanoat маҳсулотларидаги улуши, % да	Навоий	12,9	16,3	16,2	15	13	9,3	5,5
		Ангрен	2,2	3,1	3,1	5,5	5,1	3,1	2,7
		Жиззах	22,6	19	17,2	14,4	13,7	11,7	11,6
3.	Вилоят инвестицияларидаги улуши, % да	Навоий	1,6	7	2,4	0,5	1,4	1,8	2,1
		Ангрен	18	10	1	0,3	0,3	0,5	1,4
		Жиззах	54	58	59	65	45	45	23
4.	Вилоятда банд бўлганлар сонидagi улуши, % да	Навоий	0,1	0,1	0,2	0,2	0,4	0,4	0,4
		Ангрен	0,1	0,1	0,2	0,4	0,4	0,4	0,5
		Жиззах	0,1	0,1	0,2	0,2	0,3	0,3	0,3
5.	Вилоят экспортидаги улуши, % да	Навоий	1,3	0,8	0,6	0,9	1,2	1,7	1,5
		Ангрен	29	33	35	35	35	42	24
		Жиззах	2	2	2	2	2	2,1	4,2
6.	Вилоятда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сонидagi улуши, % да	Навоий	26,3	27,6	28,1	31	28,6	29,1	30,4
		Ангрен	32	42	38	41	46	45	48
		Жиззах	22	21	25	23	23	24	26

⁹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Таҳлилдаги “Навоий”, “Ангрен” ва “Жиззах” эркин иқтисодий зоналарининг ҳудудлар иқтисодиётида тутган ўрнига эътибор қаратсак, улар дастлабки ташкил этилган вақтдан 2 йил оралиғида мувозанатли ўсиш кузатилади, сўнгра тебранма ҳаракат асосида ўсиш суръати пасайиб борганлигини кузатиш мумкин. Аммо ҳудудлардаги хорижий инвестициялар асосида шаклланган корхоналарнинг кўпайиши, ҳудуд экспорти, банд бўлганлар сонининг ўзгариши сингари кўрсаткичлар ижобий шаклланган.

Тадқиқот натижасида, эркин иқтисодий зоналар яратиш орқали ҳудудлар иқтисодиётини тизимли равишда барқарор ривожлантириш муҳим омил эканлиги асосланди. Бунда маҳаллий ресурслардан фойдаланиш даражаси, инвестицияларни ўзлаштираётган соҳа тизимининг ўзгариши, меҳнат ресурсларининг оқилона тақсимланиши сингари омилларни ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш учун асосий дастак сифатида ўрганиб бориш лозим. Масалан, “Навоий” эркин иқтисодий зонасида маҳаллий ресурслардан фойдаланиш даражаси “Ангрен” ва “Жиззах” эркин иқтисодий зоналарига нисбатан паст кўрсаткичга эга. Шунингдек, бу зоналарнинг вилоятларни sanoat, экспорт ва инвестиция кўрсаткичларидаги ўрни талаб даражасида эмас.

Таҳлилларда асосан ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим дастаклари сифатида маҳаллий ресурслардан фойдаланиш даражаси, инвестицияларни ўзлаштираётган соҳа тизимининг ўзгариши, меҳнат ресурсларининг оқилона тақсимланиши сингари омилларга алоҳида эътибор қаратилди. “Навоий” эркин иқтисодий зонасида маҳаллий ресурслардан фойдаланиш даражаси паст, бу эса ички ресурс салоҳиятидан фойдаланиш чораларини кўриш лозимлиги кўрсатмоқда. “Ангрен” эркин иқтисодий зонасида ишчи кучи етишмовчилиги мавжудлиги аҳоли зичлиги омиллини ҳам инобатга олиш зарурлигини билдиради. “Жиззах” эркин иқтисодий зонасига ҳудуд иқтисодиётига тез таъсир кўрсата олган инвестициялар киритилган, бу эса оқилона инвестиция сиёсатини юритиш кераклиги тўғрисида хулосалар қилишга асос бўлади.

Эркин иқтисодий зоналарнинг 2013-2018 йилларда яратилган sanoat маҳсулоти ҳажми, инвестиция ҳажми, инвестиция қайтими ва сиғими, зонада банд бўлганлар сони ва бир банд бўлган кишига тўғри келувчи sanoat маҳсулотлари ҳажми сингари кўрсаткичлари асосида кўп омилли индекслар аниқланган ва таҳлил қилинган. Мазкур жараён орқали Навоий, Тошкент ва Жиззах минтақаларидаги эркин иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини ишлаб чиқариш ва инфратузилма объектларини ўзаро муносабат ривожлантириш ҳамда инвестицион фаолликни таъминлаш асосида ошириш назарда тутилади.

Кўпинча макроиқтисодий моделда омил белги сифатида капитал ва меҳнат харажатлари, натижавий белги сифатида маҳсулот қийматидан фойдаланилади. Таҳлилларимизда эркин иқтисодий зоналарда яратилган sanoat маҳсулотлари ва киритилган инвестиция ҳажмини асос қилиб олдик (3-жадвал).

3-жадвал

Эркин иқтисодий зоналарда яратилган саноат маҳсулоти ҳажми, инвестиция ва инвестиция қайтими ҳажми (млрд.сўм)¹⁰

ЭИЗ	Яратилган саноат маҳсулоти		Инвестиция ҳажми		ЭИЗларда инвестиция қайтими $K = \frac{B}{KB}$	
	B ₀	B ₁	KB ₀	KB ₁	K ₀	K ₁
“Навой” ЭИЗ	92,8	125,6	3,5	16,1	26,5	7,8
“Ангрен” ЭИЗ	12,1	49,3	4,3	15,6	2,8	3,2
“Жиззах” ЭИЗ	2,1	267,4	3,5	188,8	0,6	1,4
Жами	107,0	442,3	11,3	220,5	9,5	2,0

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича олинган маълумотлар асосида эркин иқтисодий зоналар индекслари ҳисобланган(4-жадвал).

4-жадвал

Эркин иқтисодий зоналардаги асосий кўрсаткичлар индекслари шаклланиши¹¹

ЭИЗ	Индекслар		
	Саноат маҳсулот ҳажми	Инвестиция ҳажми	Инвестиция қайтими
“Навой” ЭИЗ	1,35	4,60	0,29
“Ангрен” ЭИЗ	4,07	3,63	1,14
“Жиззах” ЭИЗ	127,33	53,94	2,33
жами	4,13	19,51	0,21

Ушбу индекслар таҳлилидан кўринадикки, мамлакатимиздаги эркин иқтисодий зоналар бўйича яратилган саноат маҳсулоти, инвестиция ва инвестиция қайтимида ўсиш юз берган.

Фаолияти ўрганилаётган эркин иқтисодий зоналар саноат маҳсулоти ҳажмининг умумий индекси қуйидаги формула орқали аниқланган:

$$I_B = \frac{\sum(KB_1 \times K_1)}{\sum(KB_0 \times K_0)} ; \quad (1)$$

Ҳисоб-китобларга кўра, жорий даврда базис даврга нисбатан эркин иқтисодий зоналардаги саноат маҳсулот кўрсаткичи 4,13 мартага кўпайган. Инвестиция қайтимининг умумий индекси (интенсив омил) ўртача 24,4 фоизга камайган. Инвестиция ҳажмининг умумий индекси (экстенсив омил) ўртача 5,5 мартага кўпайганлиги кузатишга.

¹⁰ Муаллиф томонидан 2013 йилдаги таққослама нархлар асосида ҳисобланган.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Яъни эркин иқтисодий зоналар саноат маҳсулот ҳажмининг умумий индекси биринчи омил ҳисобига ўртача 24,4 фоизга камайган, иккинчи омил ҳисобига 5,5 мартага ошган. Бу эса вилоятлар эркин иқтисодий зоналарида самарали инвестицион сиёсат юритиш борасида камчиликлар мавжудлигидан далолат беради. Инвестиция ҳажмининг умумлашган ҳолда бундай сезиларли кўпайиши “Ангрен” ва “Жиззах” эркин иқтисодий зоналари капитал кўйилмаларининг юқори даражаси ҳисобига эришилган.

Интенсив кўрсаткичлар, яъни инвестиция қайтимининг ўртача тортилган умумий индекси ўртача гармоник индекслар формуласи бўйича ҳисобланади:

$$I_{KB} = \frac{\sum(KB_1 \times K_1)}{\sum\left(\frac{KB \times K_1}{i_{KB}}\right)} \frac{442,3}{45,85} = 9,64 \text{ марта}$$

Ҳисобларга кўра, эркин иқтисодий зоналар бўйича ўртача инвестиция қайтими ҳисобот даврида базис даврига нисбатан 9,6 мартага ортган. Бу ошишга биринчи навбатда “Ангрен” ва “Жиззах” эркин иқтисодий зоналарида инвестиция қайтимининг сезиларли ошиши сабаб бўлди. Ўртача тортилган индексларнинг якуний натижасида “Навоий” эркин иқтисодий зонаси кўрсаткичларининг сезиларли силжишларини алоҳида кўрсатиш мумкин. Бунинг натижасида саноат маҳсулоти улуши “Жиззах” эркин иқтисодий зонасида юқори бўлди.

Шунингдек, тадқиқотда инвестиция сиғими саноат маҳсулотлари ҳажми ва инвестиция ҳажми асосида ҳисобланган (5-жадвал).

5-жадвал

Эркин иқтисодий зоналарда саноат маҳсулоти ва инвестиция ҳажми, капитал сиғими индексларининг шаклланиши¹²

ЭИЗ	2013 й.			2018 й.		
	Инвестиция ҳажми	Саноат маҳсулоти млрд.сўм	Инвестиция сиғими	Инвестиция ҳажми	Саноат маҳсулоти млрд.сўм	Инвестиция сиғими
	KB ₀	B ₀	KE ₀	KB ₁	B ₁	KE ₁
“Навоий” ЭИЗ	3,5	92,8	0,04	16,1	125,6	0,13
“Ангрен” ЭИЗ	4,3	12,1	0,35	15,6	49,3	0,32
“Жиззах” ЭИЗ	3,5	2,1	1,66	188,8	267,4	0,71
Жами:	11,3	107	X	220,5	442,3	x

Таҳлиллар натижасида инвестиция сиғимининг 2013-2018 йиллардаги кўрсаткичлари аниқланди ва уларнинг ўзгаришини кузатиш мумкин. “Навоий” ЭИЗда инвестиция сиғими ўсиб борган, “Ангрен” ва “Жиззах” ЭИЗларида эса камайиш кузатилмоқда. Бу эса ушбу зоналарда маълум чоратadbирларни амалга оширишни талаб этади.

¹² Муаллиф томонидан ҳисобланган.

**Минтақалардаги эркин иқтисодий зоналарда
инвестиция ҳажмининг кўп омилли индекслари¹³**

ЭИЗ	Инвестиция сиғими		Бир банд кишига тўғри келган саноат маҳсулотининг ҳажми (млн.сўмда)		Банд бўлганлар сони (киши)	
	a ₀	a ₁	b ₀	b ₁	c ₀	c ₁
“Навоий” ЭИЗ	0,04	0,13	167,217	67,892	555	1850
“Ангрен” ЭИЗ	0,35	0,32	44,266	68,472	274	720
“Жиззах” ЭИЗ	1,66	0,71	64,024	221,358	33	1208
Жами:	X	x	X	x	862	3778

Инвестиция ҳажми бир кишига тўғри келган ялпи маҳсулот ҳажми билан инвестиция сиғими каби ҳисобланган кўрсаткичларга тенг, яъни:

$$KB = a \cdot v \cdot c \quad (2)$$

Бундай боғланиш бу кўрсаткичларнинг индекслари орасидаги муносабатда ҳам кўринади.

$$I_{KB} = I_a \times I_v \times I_c \quad (3)$$

Ҳисобларга кўра барча омиллар ҳисобига эркин иқтисодий зоналардаги инвестиция ҳажми 19,5 марта ошганлиги кузатилди.

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, эркин иқтисодий зоналар инвестиция ҳажми инвестиция сиғими ўзгариши ҳисобига 152 фоизга, саноат маҳсулотининг бир кишига тўғри келган меҳнат унумдорлиги 92 фоизга, эркин иқтисодий зоналарда банд бўлган ходимлар сони ҳисобига 13,8 марта ва урта омил ҳисобига эса 19,5 марта кўпайган.

Таҳлил маълумотларидан кўринадики, республикадаги эркин иқтисодий зоналарга киритилган инвестицияларнинг мутлақ ҳажми 209,2 млрд.сўмга ошган. Шу жумладан, эркин иқтисодий зоналар инвестиция ҳажмида инвестиция сиғими ўзгариши ҳисобига 5,9 млрд. сўмга кўпайган. Бир кишига тўғри келган саноат маҳсулотининг ўзгариши ҳисобига инвестиция ҳажми 1,3 млрд.сўмга камайган. Эркин иқтисодий зоналар фаолиятида банд бўлганлар сони ўзгариши ҳисобига инвестициялар ҳажми 204,6 млрд.сўмга ошган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишида эркин иқтисодий зоналар самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан инвестицияларни тўғри жойлаштиришга боғлиқ бўлиб, зоналарнинг бошқариш фаолиятини янада такомиллаштиришни талаб этади.

Диссертациянинг **“Минтақа иқтисодиётини ривожлантиришда эркин иқтисодий зоналар фаолиятини такомиллаштириш йўллари”** номли учинчи бобида, эркин иқтисодий зоналарни бошқариш жараёнларини турли даражада мувофиқлаштириш зарурати кўриб чиқилди. Бугун ЭИЗлар

¹³Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

бошқаруви қатор камчиликларга эга бўлиб, улар бир томондан, ЭИЗ маъмурияти ва маҳаллий ҳокимият ўртасида, иккинчи томондан ЭИЗ маъмурияти ва марказий ҳокимият органлари ўртасида низоларни келтириб чиқариши мумкин. Бу йўналишда қуйидаги таклифлар асосланган:


ер-сув ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишда маҳаллий ҳукумат органларининг масъулияти ва ролини ошириш;

ЭИЗ дирекциясига қўшимча ваколатлар бериш;

ЭИЗ маъмуриятининг давлат аппарати бошқарув тизимининг оралик бўғинларига бўйсунмаслик чораларини кўриш;

ЭИЗ дирекцияси, ҳокимият ва Вазирлар Маҳкамаси ваколатларини аниқлаштириш лозим;

ЭИЗ фаолияти самарадорлигининг доимий мониторингини олиб бориш.



3-расм. Макро, микро ва минтақа даражасида эркин иқтисодий зоналар бошқарув тизимини мувофиқлаштириш асосида бошқаришнинг таклиф этилаётган модели¹⁴

Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича қарорлар Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги қошидаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКнинг ижобий хулосаси мавжуд бўлганда қабул қилинади. Марказ томонидан эркин иқтисодий зоналар ҳудудида лойиҳаларни жойлаштириш бўйича инвестиция буюртманомаларини кўриб чиқиш хулоса бериш жараёни билан бирга 30 календар кундан ошмаслиги лозим. Бу ҳолат, бир ой давомида инвесторни кўплаб шубҳа-гумонлар ичида қолдирмоқда.

Тадқиқотда минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишида эркин иқтисодий зоналар фаолиятини релетив(юқори аниқликдаги) баҳолаш усули таклиф этилган. Бунда иккита бир-бирини тўлдирувчи тушунчалардан

¹⁴Чизма: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

фойдаланилди. Улар натижага йўналтирилган бюджет¹⁵ (Result Oriented Budget, НЙБ) ва мувозанатли кўрсаткичлар тизими¹⁶ (Balanced Scorecard, BSC, МКТ). Тавсия этилган асосий кўрсаткичлар тизими икки даражага: ЭИЗнинг фаолият ва ЭИЗ ташкил этилган ҳудуд даражасига ажратилади. НЙБнинг иқтисодий самарадорлик натижалари ЭИЗ фаолиятининг бевосита натижалари сифатида кўриб чиқилади. МКТ эса мазкур кўрсаткичларни ҳудуд макроиқтисодий кўрсаткичлари ҳамда ЭИЗ дирекцияси бошқарув жараёнлари билан боғлаш имконини беради.

